

ISSN 0135-9614

**ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
АХБОРОТИ**

*** * ***

**ИЗВЕСТИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

46 – жилд

Тошкент-2015

усул муаллифнинг географик объектга бўлган муносабатини ҳам белгилайди. Топоним ўрнини босувчи сўзлар кўшимча маълумот манбаи бўлиб, улар ёрдамида географик объект ҳақида топонимик воситалар орқали баён қилишни иложи бўлмаган маълумотларни олиш мумкин.

Географик номларни ўрнини босувчи сўзларни пайдо бўлишида, номнинг ахборот ташиш функциясини камайиши ёки етарли эмаслиги муҳим рол ўйнаган. Бошқача айтганда, улар объектнинг географик ўрни, ҳозирги ва ўтмишдаги табиий ҳолати, хўжалик ихтисослашуви ва ҳоказо каби хусусиятларининг инъикоси сифатида пайдо бўлган. Топоним ўрнини босувчи сўзлар анча қадимдан маълум. Масалан, Самарқанд - *сайқали рўи замин*, Тошкент - *шарқ дарвозаси*, Киев - *рус шаҳарлари онаси* ва ҳоказо.

Етти ўр ва қирда жойлашган шаҳар деган ибора кенг тарқалган ва бу тушунча, дастлаб Рим шаҳрига тегишли бўлган. Шаҳарга ҳақиқатдан ҳам *Палатин*, *Капитолий*, *Авентин*, *Эсквилин*, *Целий*, *Виминал*, *Квиринал* номли етти та тепаликда асос солинган. Тошкентни ҳам паст-баланд ҳудудда жойлашганлиги боис, уни Римга ўхшатиб етти ўр ва етти қирдан иборат шаҳар дейишади. Германияда Рур вилоятини мамлакатнинг “иўлат юраги”, индустриал маркази, “кўмир ва пўлат ери” деб аташади. Венеция каби канали кўп ва ўзига хос ҳудудий жойлашувга эга бўлган шаҳарларни *шимолий Венеция* деб аташади. Улар каторига Амстердам, Копенгаген, Стокгольм, Санкт-Петербург, Страсбург каби шаҳарларни кириш мумкин.

Икки қарама-қарши тузум (социалистик ва капиталистик) мавжуд бўлган мафкуравий кураш даврида, қарши томонга нисбатан жой номлари ўрнини босувчи сўзлар кўп қўлланган. Масалан, АҚШ президенти Р.Рейган СССР га нисбатан *зулм империяси* деган иборани ишлатган бўлса, қарши томон Нью-Йоркни *сарик шайтон* шаҳри деб атаган. Бундай номларнинг кўпчилиги семантик маънога эга ва аёвсиз мафкуравий курашнинг белгиси ҳисобланади. *Озодлик ороли* (Куба), *Минг қўллар мамлакати* (Финляндия), *Музлар ва оловлар* мамлакати (Исландия), *Дунёнинг учинчи қутби* (Жомолунгма), *Олтин водий* (Фарғона), *Дунё томи* (Помир), *Қора қитъа* (Африка) каби сўзлар ҳам норасмий ва оригинал номларга мисол бўлади. Топоним ўрнини босувчи мажозий сўзлар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган, шу сабабдан келажакда жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, улардан яна ҳам кенгрок фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Мурзаев Э.М. География в названиях. - М.: “Наука”, 1978.
2. Хасанов Х.Х. Географик номлар сири. - Т.: “Фан”, 1985.
3. Суперанская А.В. Что такое топонимика? - М.: “Наука”, 1989.
4. Қораяев С. Топонимика. - Т., 2006.
5. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. - Т., 2009.

Хақимов Қ., Камолов М., Шоғдорев Т.*

ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ НОМЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

(Жиззах вилояти мисолида)

Аннотация: Мақолада “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш соҳасидаги мавжуд минтақавий муаммолар ва уларнинг ечими Жиззах вилояти мисолида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: географик объект, номлаш ва қайта номлаш, номларни рўйхатдан ўтказиш, давлат реестри, қатъийлаштириш.

Наименования географических объектов: проблемы и решения (на примере Джизакского вилоята)

Аннотация: В статье рассматривается наименование и переименование географических объектов на основе Закона Республики Узбекистан “О названиях географических объектов”, а также некоторые региональные проблемы и пути их решения на примере Джизакского вилоята.

*Хақимов Қ. - Жиззах давлат педагогика институти кафедра мудири, г.ф.н., доцент.
E-mail: hakimov_54@mail.ru;

Камолов М. – ЖДПИ География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти, и.ф.н.;

Шоғдорев Т. – ЖДПИ География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

Ключевые слова: географический объект, регистрация названий, государственный реестр, стандартизация

The names of geographical objects: problems and solutions (for example, Jizzakh region)

Resume: The article discusses the naming and renaming of geographical objects on the basis of the Law of Uzbekistan "On geographical names", as well as some regional problems and solutions on the example of the Jizzakh of the region.

Key words: geographic features, rename, country reestr, standartization.

Кириш: "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2011 й. 12.11. № ЎРҚ-303) қабул қилиниши, миллий қадрият катламларидан бири бўлган жой номларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигидан далolat беради. Мазкур Қонунни амалга жорий қилиш ва унинг талабларини тўла бажариш учун, 2012 йили 16 октябрда № 295-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида" ги қарорини қабул қилиниши географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш билан боғлиқ номувофиқликларни тўла бартараф этиш имконини берди ва жой номларини бир хилда қўллашни таъминлади.

Асосий қисм: Ҳар қандай географик ном - бу дунёни англаш маҳсули, унда муайян бир ҳудуддаги кишиларни кундалик ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари, муомаласи, психологик ҳолати ўз ифодасини топган. Бу албатта, кишиларнинг ижтимоий ҳаёти, миллий ва маънавий қадриятлари, маҳаллий аҳолини этник таркиби, миграцияси, тил тарихи ҳамда уларни ўраб турган табиий-географик муҳит билан чамбарчас боғлиқдир.

Қабул қилинган янги қонун талабларидан келиб чиқиб, сўнгги уч йил давомида Жиззах вилояти ҳудудидаги барча аҳоли пунктлари, уларнинг таркибий қисмлари, жумладан шохкўчалар, кўчалар, майдон ва хиёбонлар ҳамда бошқа бир қатор географик объектларнинг номлари инвентаризациядан ўтказилди. Натижада, топографик карталарда, статистик ҳисоботларда жойлардаги ҳокимият органларининг қайдномаларида акс этмаган кўплаб географик объектлар номларини қайд қилиш, нормаллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари бажарилди.

Катта ҳажмдаги бундай ишларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сонли қарори ва Жиззах вилояти ҳокимининг 2012 йил 20 октябрдаги "Вилоятда географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 58-сонли қарори муҳим дастуриламал бўлди. Шубҳасиз, мазкур қарорлар катта аҳамиятга молик бўлиб, минтақадаги географик объектларни номлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш, халқимизнинг тарихи ва маданияти билан боғлиқ жой номларини муҳофаза қилиш ва уларни асосиз ўзгартиришнинг олдини олишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, қўйилган барча талабларга жавоб берадиган мукаммал номларни яратиш мақсадида вилоят ва туман ҳокимиятлари қошида географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича комиссиялар ташкил этилди. Комиссиялар таркибига маҳаллий ҳокимият вакиллари, илм-фан, маориф ҳамда маданият муассасалари вакиллари, тегишли мутахассислар жалб қилинди. Жиззах вилояти ҳокими қарори асосида ташкил этилган вилоят комиссияси, ушбу йўналишдаги ишларни тартибга солиш ва жойлардаги комиссияларга амалий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланди. Хусусан, вилоят комиссияси зиммасига жуда масъулиятли вазифа, яъни вилоятдаги мавжуд бўлган барча географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш, географик объектлар номлари давлат реестрини яратиш ва юритиш, номларни давлат рўйхатидан ўтказиш каби вазифалар юклатилган эди. Туман комиссиялари олдида ҳудудидаги барча жой номларини рўйхатга олиш, улар ҳақида маълумот тўплаш, янги

географик объектларга ном танлаш каби ишлар асосий вазифаси қилиб қўйилди.

Демак, барча маҳаллий географик объектларга ном танлаш ва уларни ўзгартириш каби масъулиятли вазифа ҳудудий комиссия аъзолари зиммасига юклатилди. Шу билан бирга, туман комиссиялари шу ҳудуддаги номларни географик объектга хос бўлган белгиларни акс эттириши, мазкур ҳудуд топонимик тизимига мос тушиши, қонд тарихида, кўпи билан учта сўздан иборат бўлиши ҳамда номи ўзгарадиган ёки янги географик объектларга берилаётган номлар қонун талабидан келиб чиқиб маҳаллий халқнинг таклифи инobatга олинганлигини аниқлаш каби талаблар қўйилган эди.

Малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда бу ишлар илк бор бажарилаётганлиги сабабли жараён анча мураккаб кечди. Шунга қарамадан, вилоят ҳудудидаги барча аҳоли пунктлари ва улар таркибий қисмларининг номлари тўла инвентаризациядан ўтказилди. Юзлаб, ҳатто минглаб номсиз географик объектларга маҳаллий ҳокимият вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини мутассадилари ёрдамида янги номлар танланди. Шунини таъкидлаш жоизки, кўпгаб географик объектларга фуқаролар таклиф ва истақлари инobatга олиниб замона руҳига мос тарзда, миллий қадриятлар ва урф-одатларимиздан келиб чиқиб, мазмундор, содда ва талаффузда қулай бўлган номлар танланди. Жиззах вилояти бўйича, жами 8500 дан кўпроқ географик объектлар рўйхатга олинди. Улар орасидан 5000 га яқин номсиз ёки номи унитилган объектларга, қонун талабларига тўла жавоб берадиган янги номлар берилди, ёки тарихий номлари қайта тикланиб, қатъийлаштирилди. Масалан, Фориш тумани маркази сўнгги етмиш йил давомида Янгиқишлоқ деб аталиб келган, вилоят комиссияси аъзолари, маҳаллий аҳоли ва туман ҳокимияти таклифини қўллаб-қувватлаб, унинг тарихий номи Боғдонни қайта тиклади.

Маълумки, янги географик объектга қонун талабларига мос бўлган чиройли ном танлаш оддий ишдек кўринса ҳам, аммо амалда бу жуда мураккаб вазифа. Қонун талабидан келиб чиқиб, янги географик объектга танланган ном, у ҳар қандай аҳоли пункти, кўча ёки хиёбонга бўладими, ном билан жой ўзаро уйғунликда бўлиши зарур, шунда ҳам ном бериш санъат эканлигини унутмаслик даркор. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай сўз ҳам ном бўлолмайди, ном эса сўз танлайди. Бошқача айтганда, географик объектнинг номини эшитганда у тўғрисида муайян тасаввур пайдо бўлиши лозим. Энг муҳими географик объектни номлашда мазкур ҳудуднинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, табиат компонентлари асос қилиб олиниши шарт. Номни эшитганда ҳар бир инсон, хусусан ёшлар қалбида фахр ва ғурур, эл-юртга меҳр-муҳаббат, ҳурмат туйғуси уйғониши зарур.

Ушбу масъулиятли вазифани бекаму кўст бажаришда энг қуий бўғин бўлган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ва мутахассислар вилоят комиссияси билан яқиндан ҳамкорлик қилишди. Ана шундай ҳамкорликлар яхши йўлга қўйилган жойларда, барча ўзини-ўзи бошқариш органларининг қуий қисмидан тушган таклиф-мулоҳазалар мутахассислар томонидан ўрганилиб, инobatга олинди. Хусусан, Жиззах шаҳри, Зомин, Бахмал, Янгиобод, Фориш, Зафаробод, Мирзачўл туманлари комиссиялари бу ишда фаоллик кўрсатишди. Маълумки, охириги йилларда юртимизда янги намунавий уй-жойлар, замонавий иншоотлар барпо этилмоқда. Уларга тўғри ном танлашда ҳар бир юртдошимиз, ўзини масъул эканлигини ҳис қилса, жой номлари ана шу ободликка янада ҳам ярашади.

Демак, шаҳар ва қишлоқларнинг тез суръатлар билан ўсиши ва ривожланиши уларга янги типдаги жой номларини танлаш талабини қўймоқда. Шундай экан, барпо этилаётган янги аҳоли пунктларига ўша жойнинг халқона номини бериш мақсадга мувофиқ, агар бундай ном бўлмаган тақдирдагина янги ном танлаш мумкин, аммо шунда ҳам ном бериш санъат эканлигини унутмаслик лозим. Хусусан, номларни ўзгартиришга кўп ҳам мафтун бўлиш керак эмас, замонавий номлар иштиёқда тарихий жой номларидан воз кечиш мутлақо ярамайди. Шу билан бирга қайта-қайта тақдорланадиган номлар кўпайиб кетмаслиги керак, чунки улар номларни мазмун жиҳатидан қашшоқлаштиради, бошқача айтганда жой тарихи, табиий шароити билан боғлиқ бўлмаган сунъий топонимларнинг

кўпайиб кетишига олиб келади.

Келиб чиқиши узок тарихий даврларга бориб тақаладиган айрим номларни вилоятнинг чўл худудларида пайдо бўлганлигидан чўчимаслик керак. Чунки, уларнинг кўпчилигини кўчма номлар ҳисобланади. Бундай номларнинг пайдо бўлишига чўлни ўзлаштириш учун бошқа худудлардан кўчиб келган аҳоли, қадимда яшаган жойларидан ўзлари билан бирга ватанини бир бўлаги ҳисобланган номни, янги яшаш манзилларига олиб келишлари сабаб бўлган. Маҳаллий халқ учун янги яшаш масканларини тарихий ватанлари номи билан аташ, киндик қони тўкилган жойни доимо эслаб туришга, эъзозлашга асос бўлиб хизмат қилади. Номшуносликда жой номларини кўчиши бор ҳодиса ва жаҳон тажрибасида ҳам кўп учрайди. Бундай тарихий номларни сақлаб қолиш, уларни археологик обидалар, миллий ёдгорликлар каби асраш, муҳофаза қилиш, ҳаётий зарурат, ижтимоий бурч эканлигини унитмаслик даркор.

Масалани яна бир томонига эътибор қаратмоқ лозим. Маълумки, мустақилликдан кейин диёримиздаги кўпгина жой номлари маънавий жиҳатдан эскирди. Хукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилган, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган жой номлари ҳаётимиздан кенг ўрин олган эди. Аммо, ана шу маънавий эскирган номларни давр талабларига мос бошқа номлар билан қайта номлашда айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилди. Бу кўпроқ инсонлар исмидан фойдаланишда кўзга тапланади. Қайси бир туман ёки қишлоқ марказига борманг, у ерда шу худудда яшаган ва меҳнат қилган бирор таниқли кишининг исми билан жой номлари аталиши кенг тус олган эди. Натижада бир вақтлар жамоа хўжалигида сувчилик қилган, бригадани бошқарган, савдо соҳасида ишлаган, ёхуд вилоят, шаҳар ва туман бошқаруви тизимида масъул лавозимда фаолият кўрсатган кўплаб кишиларнинг номлари “абдийлаштирилди”.

Тўғри, халқ бахт-саодати йўлида бутун умр ҳалол меҳнат қилган, қишлоқдошлари хотирасида ижобий таассуротлар қолдирган, юрт тақдирининг муҳим босқичларида чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган киши ҳамиша иззат-ҳурматга, ардоққа сазовор. Аммо, бундан кейинги минг йилларга бизнинг ўзлимиз, миллий менталитетимиз хусусиятларини олиб борадиган жой номлари учун бу фазилатлар камлик қилади. Шунинг учун қабул қилинган қонун ва қарорларда жой номларини кишиларнинг исмлари билан аташ қоида сифатида мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно, албатта.

Вилоятнинг деярли барча туман марказлари ва шаҳарларида кишилар номи билан аталган қишлоқ, маҳалла, гузар, кўчаларни кўплаб учратиш мумкин эди. Агар бу ҳолатга жиддий эътибор қаратилмаганда яқин келажакда кўча, гузар ва маҳаллаларнинг барчаси факат кишилар исмидан иборат бўлиб қолиши аниқ эди. Амалдаги қонун ва қарорлар ана шу камчиликларга барҳам беришни, географик объектларга ном танлашда ниҳоятда масъулиятли бўлиш талабини қўйди.

Машхур кишиларнинг номини жой номи сифатида абдийлаштириш аслида ёмон иш эмас, аммо бу ишни оқилона амалга оширилган маъкул. Маълумки, шарқда қадимдан йирик географик объектларга машхур кишиларнинг исмини бериш расм бўлмаган, ҳозир ҳам шундай бўлгани маъкул. Кишилар хотирасини абдийлаштиришнинг бошқача, яъни асарларини чоп этиш, улар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида оммабоп рисолалар нашр этиш ва ҳоказо каби имкониятлар ҳам борлигини унутмаслик керак. Бошқача айтганда, маданият (тамаддун)нинг ҳозирги босқичида географик объектларни кишилар шарафига номлаш номақбул принцип ҳисобланади.

Жой номларини ўзгартириш шунчаки бир номни иккинчисига алмаштиришдан иборат эмас. Чунки, биргина кўча номи ўзгартирилса, шу кўчада истиқомат қиладиган фуқаролар паспортлари тегишли равишда қайта рўйхатдан ўтказилади, янги ном ёзилган металл лавҳларни ясаш, шу кўчада жойлашган муассаса ва идораларнинг расмий бланкалари, почта манзили ва бошқа ҳужжатларига тегишли ўзгартиш киритилади ва бу албатта, муайян вақт ва харажатни талаб этади. Яна бир муҳим жиҳати, кўча ёки бошқа объектнинг номи ўзгартирилар экан, бу ўзгартириш омма онгига энг қулай ва енгил шаклларда етказилиши

МУНДАРИЖА:

Солиев А. География билганга ҳамма нарса.....	3
Абдулқосимов А.А., Равшанов А.Х., Давронов К.Қ. Антропоген ландшафтларда тиббий геоэкологик вазиятларни шакллантирувчи асосий манбалар	7
Рахматуллаев А., Мамажонов Р. Шамол энергетикаси ва уни ўрганиш муаммолари	10
Назаров И.Қ., Обидов У., Ҳалимова Г.С. Ландшафт, геосистема, геоэкология назариялари ва амалиёт	14
Xolmurodov Sh.A., Djuraev M.E. Turkiston tizmasi va unga tutash tekstliklardagi antropogen landshaftlarni o'rganish	16
Курбанбаев С.Е. Основные принципы процесса образования карстовых явлений на обсохшем дне Аральского моря	18
Абдуғаниев О.И., Махкамов Э.Ғ. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташиқил этиш ва улардан оқилона фойдаланишида халқаро тажрибаларнинг аҳамияти	20
Ярашев Қ.С. Ўрта Сурхон воҳа-чала чўл районида вужудга келган геоэкологик вазиятлар	23
Салимов Х.В., Рахматов Ю.Б., Уринов Б.С. Флора Қызылкумского заповедника и ее охрана	26
Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К. Хроностратиграфическая детализация и некоторые принципы физико-географического районирования в зоне Тянь-Шаньского орогена и Туранской платформы	29
Абдуллаев А.Қ., Сулаймонова Н.Н. Ўзбекистоннинг Қизилқум чўл яйловларидаги тупроқнинг намлик захираси илмий-амалий маълумотномасини тайёрлаш ҳақида	31
Крахмаль К.А. Ботанико-географические источники в хроностратиграфии раннего антропогена на территории Узбекистана	35
Абдуллаев А.К., Рузиева М.Б. Обзор исследований хлопкового волокна в Узбекистане	37
Рўзикулова О.Ш., Сабитова Н.И. Зарафшон дарё ҳавзаси воҳа геосистемаларининг мелиоратив ҳолатини баҳолашнинг географик асослари... ..	41
Миракмалов М.Т., Аvezов М.М. Бухоро вилояти географик жой номларининг ўрганилиш тарихи	43
Ҳакимов Қ.М., Курбонов К., Зайнутдинова Д.Қ. Географик карталарда топонимларни конверсиялашнинг асосий тамойиллари	46
Отақулов Ф. Экологик топонимлар ва уларни таснифлаш	50
Зокиров А.А., Усмонова С.А., Қаюмова М. Географик ном ва детопонимизация	52
Ҳакимов Қ., Камолов М., Шоғдорев Т. Географик объектларнинг номлари: муаммо ва ечимлар (Жиззах вилояти мисолида)	56
Abdullayeva M.N., Nugmanova A.A., Karakulov N.M. Geografiya ta'limida didaktik o'yinlardan foydalanishning afzalliklari	60
Никадамбаева Х.Б. “Ўзбекистон табиий географияси” фанини ўқитиш жараёнини электрон ўқув-методик таъминот ёрдамида такомиллаштириш ..	64
Ходжиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Султанова Н.Б. География ва экология фанларини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида	68
Абдуназаров Л.М., Бердиев Ғ.Х., Назаров Х.Ё. География ўқитишида модуль технологияларидан фойдаланиш	72
Мосин В.П. Активизация деятельности учащихся на уроках географии в общеобразовательной средней школе	75

